Лондондаги Британия музейида «Муқаддас қўлёзмалар бизни яқинлаштиради» деб номланган халқаро кўргазма иш бошлади. Унда яҳудийлик, насронийлик ва ислом динига оид энг машҳур ва қимматбаҳо қўлёзмалари намойиш этилмоқда.

Британия, Оксфорд, Стокгольм ва Париж музейлари, Лидс, Манчестер, Колледжвиль (АҚШ), Тошкент ислом университетлари, Британия, Марокаш Подшоҳлик ва Миллий кутубхоналари ҳамда Ирландиянинг Честер Битти кутубхонаси ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳосиласи бўлган ушбу кўргазма Буюк Британия қироличаси Елизавета II нинг турмуш ўртоғи Эдинбург Герцоги ва Марокаш подшоҳи Муҳаммад VI шаъфелигида ўтказилмоқда.

**С. МАККЕНДРИК,**
**Британия кутубхонасининг қўлёзмалар бўлими директори:**

# ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИНГ БЕБАҲО ГАНЖИНАСИ

Кўргазмада уч дин ривожининг турли даврларига тегишли бўлган 200 дан зиёд бекиёс экспонатлари, қадимий диний қўлёзмалари намойиш этилмоқда. Уларнинг энг қимматбаҳо намуналари орасидан кўргазма ташкилотчиларига юртимиз вакиллари томонидан тақдим этилган «Усмон Қуръони»нинг қўлёзма нусхаси, «Ўлик денгиз ўрамлари» ва «Инжил»нинг энг қадимий нусхаси жой олган.

«Усмон Қуръони»нинг асли Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланади. Унинг Лондон кўргазмасида иштирок этиш учун тақдим этилган нусхаси Британия кутубхонасидаги энг қимматли ва ноёб экспонатлардан бири сифатида талқин этилмоқда. Шу билан бир қаторда кўргазма меҳмонларида буюк олим Маҳмуд аз-Замахшарий томонидан тузилган «Ал-Кашшоф» тафсирлари (Британия кутубхонасига тегишли) ҳам катта қизиқиш уйғотди.

**Эътироф**

Анжуманнинг очилиши арафасида бўлиб ўтган тантанали қабул маросимида таниқли олимлар, Британия ҳукумати, дипломатия корпуси, эксперт ва илмий-академик доиралар вакиллари, диний уламолар, журналистлар иштирок этди. Маросимда сўзга чиққан Буюк Британия маданият ишлари вазири Т.Жовелл ҳамда Британия кутубхонаси директори Л.Брайндли хоним бу каби тадбирларни ўтказиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашгани ҳолда бундай анжуманлар турли динлар вакиллари ўртасидаги тинч-тотувлик ва бағрикенглик тамойилларини тарғиб қилиш, жаҳон ҳамжамиятига уч самовий дин ўртасида мавжуд бўлган ўзаро боғлиқликларни тушунтириш ишига хизмат қилишини қайд этдилар.

Британия жамоатчилиги «Усмон Қуръони»нинг намойишини катта қизиқиш билан кутиб олди. Британия кутубхонаси директори Л.Брайндли хонимнинг айтишича, кўргазмада маърифатпарвар ислом марказларидан бири бўлган Ўзбекистондан келган экспонатларнинг намойиш этилиши мамлакатда юқори даражадаги маънавият, маданият масалаларига ҳамда халқнинг тарихий меросини тарғиб қилишга катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради. «Бу эса ўзаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш истагида бўлган олимларимиз учун яхши имконият бўлиб хизмат қилади», деди Брайндли хоним.

Британия кутубхонасининг қўлёзмалар бўлими директори С.Маккендрик «Усмон Қуръони» ислом маданиятининг бебаҳо ганжинаси эканини алоҳида таъкидлади.

— Бу ганжинани қабул қилишни дунёнинг кўплаб илмий ва маданий муассасалари ўзи учун шараф, деб билади, — деди у. — Ана шундай имконият айнан Британия кутубхонасига тақдим этилгани учун биз ўзбекистонлик дўстларимиздан миннатдормиз. Қўлёзманинг салобатли ҳажми унга нисбатан ҳурмат ҳисларини уйғотиши билан бир қаторда ушбу ноёб манба улкан илмий-тарихий аҳамиятга эга эканидан ҳам далолат беради, — деди олим.

Лондондаги Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактабининг Ислом фанлари маркази директори Муҳаммад Абдул Халим бу каби учрашувларни ўтказиш ислом мероси, маданияти ва фанини тарғиб қилишда жуда муҳим аҳамият касб этишини айтди. У Британия жамоатчилигига ўз маърузалари билан ўртоқлашишлари учун ўзбекистонлик исломшунос олимларнинг ташрифларини ташкил этиш ҳамда уларнинг илмий мақолалари ўзи раҳбарлик қилаётган «Қуръон тадқиқотлари» журналида чоп этилиши юзасидан кўмаклашишга тайёр эканини маълум қилди.

Ўзаро мулоқотлар чоғида Британиянинг маданий-академик ва сиёсий доиралари вакиллари Ўзбекистоннинг диний қадриятларни асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш борасидаги тажрибасини ўрганишга катта қизиқиш билдиришди. Бу эса маърифатпарвар исломнинг чуқур тарихий илдизлари, мамлакатимиздаги маънавият ва динлараро уйғунликнинг эътирофидан далолатдир.

**«Жаҳон» АА.**
Лондон.

# БАРҚАРОРЛИК — ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуман иштирокчилари сўнгги йилларда мамлакатимизда бу борада мутлақо янги қадамлар қўйилганини алоҳида қайд этди. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи, уларнинг давлат қурилишида кенг ҳамда бевосита иштирок этишига доир қонунчилик мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Демократик ўзгаришларни амалга оширишда сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти изчил юксалиб бормоқда. Ўзбекистон фуқаролари шуни яхши биладиларки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан мақсад, аввало, инсон манфаатлари, барча демократик тамойиллар ва меъёрларнинг амалга оширилишини тўлиқ таъминлашдан иборат. Конференциянинг хорижлик иштирокчилари таъкидлаганидек, буларнинг барчаси ҳақиқий демократияга хос тамойиллардир. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қурилиши борасида орттирилган тажриба хорижда ҳам ўрганилса ва бошқа мамлакатларда ҳам қўлланилса, арзийди.

Хусусан, Ўзбекистонда ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида улкан ижобий ўзгаришлар учун муҳим омил бўлди. Эркинлаштириш жараёни барча жабҳаларда изчил амалга оширилиб, фуқаролик жамияти қурилишининг асосига айланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яқинда демократик янгиланиш, давлат бошқаруви ва мамлакатни модернизация қилиш жараёнида сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган янги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши, Конституцияга киритилган ўзгартишлар — жамиятимизда амалга оширилаётган демократлаштириш жараёнининг яна бир далили бўлди. Ушбу жараён умумэътироф этилган демократия тамойиллари ҳамда халқимизнинг тарихий, миллий ва маънавий қадриятларига асосланган. Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигини янада оширишдан иборат. Шу сабабли иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва бозор муносабатларини жорий этиш эҳтиёжмандларни кучли ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш масаласи билан чамбарчас боғлиқдир.

Анжуманда Ўзбекистонда жамиятни ислоҳ қилишнинг барча йўналишлари уйғун тарзда амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу жараён азалдан халқимизга хос бўлган миллатлараро, динлараро ва маданиятлараро бағрикенглик тамойили билан янада бойитиб борилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда барқарорлик ва ижтимоий тотувликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлаш гаровидир.

Демократия «экспорт қилинадиган товар» эмас. Мамлакат ўз халқи анъаналари, маънавий қадриятлари ва дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда ўзининг ривожланиш йўлини белгилаган тақдирдагина, турли давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик тенг ҳуқуқли мулоқот ҳамда ўзаро фойдали муносабатлар тамойиллари асосида қурилгандагина барқарор демократик ривожланишга эришилади. Конференцияда Брукинг институти (АҚШ) катта ходими Акбар Мубашар Жавед, Франциянинг Стратегик ва халқаро муносабатлар институти бош тадқиқотчиси Пьер Шабаль, хафсизлик ва стратегик масалалар бўйича покистонлик таҳлилчи Ойиша Сиддиқа, Ҳиндистон Мудофаа тадқиқотлари институтининг Россия ва Марказий Осиё бўлими илмий ходими Двиведи Рамакант ва бошқалар ўз чиқишларида шуларни алоҳида қайд этдилар.

Очиқ мунозара ва амалий мулоқот тарзида ўтган анжуман ниҳоясида ЎзА мухбири унинг айрим иштирокчилари билан суҳбатда бўлди.

— Менинг қатъий фикрим шундай — ҳар бир давлат ўз халқининг миллий ва маданий анъаналарига мос демократия моделини қуришга ҳақли, — деди Ҳиндистон Қишлоқ ва саноат ривожланишини ўрганиш маркази бош директори Рашпал Малхотра. — Айни пайтда, мен барча учун демократиянинг ягона шакли бўлиши керак, деган фикрга қўшилмайман. Демократия ўхшаш бўлиши мумкин, лекин бир хил бўла олмайди. Афсуски, айрим давлатлар демократияни бошқа мамлакат халқининг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашиб ўтирмасдан, ташқаридан олиб кириб ўрнатиш мумкин, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Ҳиндистон каби ўзининг мустақил ривожланиш йўлини танлаган ва эътиборга лойиқ ушбу тажрибани ҳар томонлама ўрганиш зарур.

— Дунёда хавфсизлик ва барқарорлик мустаҳкамланмоғи учун манфаатлар мос келган омилларни топиш, бунинг учун ўзаро мулоқотларни кенгайтириш зарур, — дейди Буюк Британиянинг Қироллик халқаро муносабатлар институти илмий ходими, Лондон университетининг Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби профессори Ширин Акинер. — Бу менинг Ўзбекистонга биринчи ташрифим эмас. Сўнгги йилларда мамлакатингизда демократик жамият барпо этиш йўлида жуда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлмоқдаман. Албатта, бу йўлда муаммолар бўлиши табиий. Бироқ Ўзбекистон улкан салоҳиятга эга мамлакат ва шу сабабли бу муаммоларни муваффқиятли ҳал этишига қатъий ишонаман.

— Мазкур конференция мавзуси барча мамлакатлар ва халқлар учун жуда долзарбдир, — дейди Россиянинг Геосиёсий муаммолар академияси профессори, Россия Федерацияси Давлат думасининг МДҲ ишлари ва ватандошлар билан алоқалар қўмитаси ҳузуридаги эксперт-таҳлил кенгаши аъзоси Александр Шевяков. — Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш — муҳим масалалардандир. Ривожланиш эса ушбу масаланинг муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ. Барқарорликнинг асоси, аввало, иқтисодиётга бориб тақалади. Мен касбим тақозосига кўра, Ўзбекистонга доир статистик маълумотларни мунтазам ўрганиб бораман. Ушбу рақамлар ва реал воқелик шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатингизда доимий иқтисодий юксалиш кузатилмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро майдонда ҳам обрўси йилдан йилга ортмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатингизда ва Марказий Осиё минтақасида барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

— Ҳар бир мамлакатни ривожлантириш жараёнидаги энг асосий масала — бу миллий ўзига хосликни йўқотмаслик, асрлар давомида шаклланган миллий ўзликни англаб етишдан иборатдир, — дейди Ж.Маршал номидаги Хавфсизлик муаммоларини ўрганиш бўйича Европа маркази (АҚШ) профессори Евгений Вертлиб. — Президент Ислом Каримовнинг қатъий позицияси ниҳоятда тўғри. Икки ёқлама стандартлардан фойдаланган ҳолда, ўз мафкурасини ўрнатиш, бошқа халқларга хос қадриятларни чиппакка чиқаришга уринишларга қарши ўз вақтида зарба берилиши зарур. Демократияни бошқа мамлакатларга зўрма-зўраки тиқиштириш ҳақиқий демократияни поймол қилишдан ўзга иш эмас. Ўзбекистон ўзининг миллий манфаатларини ҳисобга олиб, ўз ривожланиш йўлини танлади ва бу йўлдан ишонч билан, оғишмай олға бормоқда. Тараққиёт — устувор мувозанат, барқарорликка интилиш демакдир. Биз Ўзбекистонда айнан ана шундай ҳаётбахш жараённинг гувоҳи бўлдик.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## АЛОҚА ТАРМОҒИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Нурота тумани почта алоқаси тармоғининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Уни «Шаҳло» ишлаб чиқариш хусусий фирмаси курувчилари бунёд этишди. Шу мақсадда 140 млн. сўм сарфланди.

Янги бино 13 та хонадан иборат бўлиб, уларнинг ҳаммаси энг замонавий алоқа асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

**Ж. ИСКАНДАРОВ.**

**Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ**

**2007 йил 1 июнь соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 6 мартдаги 421/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Низомий кўчасидаги қурилиши тугалланмаган 12-уй аукцион савдоларига қўйилади.**

***Бошланғич баҳоси — 402 591 987 сўм.***

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, х/р 20208000804234776001 тўлашлари ва ариза топширишлари шарт. Иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефон: 138-69-94.

Лицензия DB001-000010.




**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**
**(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)**

**«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 $м^3$, 250 $м^3$, 400 $м^3$, 650 $м^3$, 1000 $м^3$, 1600 $м^3$ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**



**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 $м^3$ дан 25 $м^3$ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 $м^3$ дан 40 $м^3$ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 $м^3$ дан 6 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 $м^3$ дан 10 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 $м^3$ дан 16 $м^3$ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Мақсад — жангарилар йўлини тўсиш



Туркия мамлакатнинг Ироқ билан чегара ҳудудига 50 минг кишилик армиясини жойлаштирди. Мамлакат ҳарбий кучлари бош штаби вакилининг билдиришича, айирмачи Курд ишчилар партияси базаларини йўқ қилиш мақсадида кенг кўламли ҳарбий амалиётлар ўтказишга тайёргарлик кўрилаяпти. «CNN Turk» телеканалининг хабар беришича, ҳарбийлар Туркияга ироқлик жангариларнинг кириб келишига йўл қўймаслик учун ҳам чегарага жойлаштирилган.

АҚШнинг Туркиядаги элчиси Росс Уилсон журналистларга расмий Анқаранинг мамлакат шарқидаги ҳарбий ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини билдирди. Манбада келтирилишича, турк ҳарбийлари айирмачи курд жангарилари базаларини йўқ қилиш чоғида Ироқ ҳудудига ҳам киришлари мумкин.

### Руминияда жазирама

Руминияда кутилмаганда куннинг исиб кетиши уч кишининг ўлимига сабаб бўлди. Айни пайтда мамлакатда об-ҳаво одатдагидан 10-12 даража юқори бўлмоқда. Мамлакат ҳукумати бундан бир ой олдин табиий офатга қарши тайёргарлик кўришни бошлаган эди.

Жазирама мамлакатдаги барча дарёларнинг суви сезиларли даражада камайиб кетишига ҳам сабаб бўлмоқда. Дунай дарёсида сув сатҳи пасайиб кетиши оқибатида кема қатнови тўхтатилди. Маҳаллий синоптикларнинг билдиришича, жазирама ҳозирча сақланиб туради.

### «Рейтер» сотилди

**Канаданинг «Thomson» нашриёт уйи «Рейтер» ахборот агентлигини харид қилишга розилик билдирди. Шартнома қиймати 17,23 миллиард долларга баҳоланаяпти. «Рейтер» касаба уюшмаси ушбу шартномага рози эмас.**

**Эндиликда икки ташкилот қўшилиб, «Thomson-Reuters» деб аталадиган бўлди. Мазкур бирлашиш боис бир йилда 500 миллион доллар тежаб қолиниши тахмин қилинаяпти.**

### Шартномани имзолаш кечиктирилиши мумкин

ЕИ расмий вакили Россия билан янги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома юзасидан музокаралар бошлашга томонлар ҳали тайёр эмаслигини маълум қилди. ЕИнинг ташқи ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий комиссари Хавьер Солананинг таъкидлашича, шу йилнинг 17-18 май кунлари Самарада бўлиб ўтадиган



Россия-ЕИ саммитида мазкур шартномани муҳокама қилиш режалаштирилган. Лекин расмий Москванинг Польшадан гўшт ва мева-сабзавот маҳсулотлари импортини тўхтатиб қўйиши боис юзага келган муаммо ҳал қилингунга қадар бу шартномани имзолаш кечиктирилиши мумкин.

### Разведка маълумотларига қараганда...

Исроил Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Разведка ва тадқиқотлар маркази экспертлари «Ал-Қоида» мамлакатнинг ёнилғи соҳасига катта зарба беришга ҳозирлик кўраётганини маълум қилди. Уларнинг фикрича, террорчилар нефть ва газ қувурларини портлатиш орқали мамлакат иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатишни режалаштирмоқда.

### Интернетга тақиқлов

**Америка ҳарбийларига интернетдаги бир қатор сайтлардан фойдаланиш тақиқлаб қўйилди. Хусусан, улар интернетга видеоёзув ва суратлар жойлаштириши ҳамда хат ёзиши мумкин эмас. Пентагон вакилининг билдиришича, компьютер тармоқларидаги хавфсизликни таъминлаш мақсадида шундай қарорга келинган. Бундан ташқари, вакилнинг сўзларига кўра, ўтказилиши режалаштирилган ҳарбий амалиётларнинг махфийлиги ҳам шу йўл билан сақланади.**



**Пентагоннинг ушбу қарори ҳарбийларнинг ўз қариндошлари ва дўстлари билан интернет орқали мулоқот қилишларига йўл қўймайди.**

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

Товар сертификатланган

Қўшма UZ BARREL PRODUCTION корхона

**ПЛАСТМАССА БОЧКАЛАРИ**



Қуйидагиларни сақлаш ва ташиш учун мўлжалланган:
*Озиқ-овқат маҳсулотлари: (сут, пасталар, мойлар, ёғлар, спирт),
*Агрессив моддалар: (кислоталар, ишқорлар, бўёқлар, мойлаш материаллари) ва бошқалар.

Европа стандартлари. Хажми 10, 60, 155, 200, 220 литр, тор ва кенг бўғинли.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб шоҳкўчаси,12. Тел./факс: (99871) 152-56-01, 152-74-14. Сайт: www.uzbp.uz e-mail: uzbp@mail.ru, office@uzbp.uz

**Мустақиллик ҳаётимизнинг барча жабҳаларига янгиликлар ва ўзгаришлар олиб кирди. Бугун қай бир соҳага қараманг, янгича ишлаш, ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёни кўзга ташланади. Одамларнинг онги ҳам энди бошқача. Дунёқараши, фикрлаш даражаси ҳам янгича. Улар замонавий хизмат турларидан фойдаланишади, замонавий технологиялар ва техникаларни бошқаришади. Биргина банк тизимини олайлик. Бир пайтлар фуқаролар ўз жамғармаларини фақат Халқ банкининг омонат дафтарчаларида сақлар эди. Бугун ҳар бир банкда бундай омонатларнинг ўнлаб турлари мавжуд. Айниқса, кейинги йилларда сўм пластик карточкалари ўзининг омонатлардан афзаллигини намоён этмоқда.**





## Пластик карточка:

# ТЎЛОВНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛИ

Мамлакатимизда пластик карточкалар биринчи бор 1999 йилда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан муомалага киритилган эди. Ўша даврда бу биз учун ҳақиқий янгилик эди. «Банкомат», «терминал» деган атамаларга ҳам эндигина дуч келаётган эдик. Айримлар оддий бир карточкага бутун жамғармасининг жойлашувига, у орқали мамлакатнинг исталган



жойида маблағга эга бўлишига ишонаверишмасди ҳам.

Оддий бир мисол. 1999 йилнинг охирида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Самарқанд бўлимида сўм пластик карточкасига эга бўлган мижозлар сони 3320 нафарни ташкил этган эди. Орадан беш йил ўтиб эса, уларнинг сони 12822 тадан ошиб кетди.

Аслида, дунёнинг ривожланган мамлакатларида нақд пулсиз муомаланинг пластик карточкалар орқали амалга оширилиши оддий ҳақиқатга айланиб қолган. Қолаверса, бундай муомалага савдо маданиятининг юқори намунаси сифатида ҳам қаралади. Негаки, унга ўтказилган маблағ йўқолмайди, эскирмайди. Минглаб, миллионлаб сўм чўнтакнинг бир четида, биргина пластик карточкада юраверади. Сиз ундан мамлакатимизнинг исталган ҳудудида фойдаланаверасиз. Пластик карточканинг яна бир афзаллик жиҳати шуки, сиз уни йўқотиб қўйган тақдирингизда ҳам, ундаги жамғармангиздан ҳеч ким фойдалана олмайди. Банк эса бундай вазиятда пластик карточкангизни бир зумда тиклаб беради. Энг муҳими, сўм пластик карточкаси унинг эгасига йилига 14 фоиз даромад ҳам келтиради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори таъбир жоиз бўлса, унинг мамлакатда кенг жорий этилиши учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Айнан шу йили Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг сўм кредит карточкалари сони Самарқанд вилоятида аввалги йиллардагига нисбатан сезиларли даражада ошган бўлса-да, бу кўрсаткич билан қониқиб бўлмасди.

2006 йилнинг 3 августида эса Президентимиз «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорни имзолади. Бу пайтда ҳукумат қарорининг ижроси жойларда кўнгилдагидек амалга оширилмаётгани, пластик карточкаларнинг афзаллиги фуқаролар онгига сингдирилмагани, ушбу йўналишда банклар ва уларнинг филиаллари ходимлари етарли даражада ташвиқот ишларини олиб бормаётганлари танқид қилинди, янги вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Хўш, Юртбошимиз Қароридан сўнг соҳада қандай ўзгаришлар юз берди?

Бу ҳақда Миллий банкнинг Самарқанд бўлими бошқарувчиси Шунқор Худойбердиев шундай дейди:

— 2006 йилда сўм пластик карточкаларининг афзаллиги ва қулайлиги ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали бир неча бор чиқишлар қилдик. Ҳар икки қарор талабларидан келиб чиқиб, хўжалик субъектларининг иш ҳақларини пластик карточкалар орқали тўлаш ва чакана савдо корхоналарида банк терминаллари тармоғини кенгайтириш бўйича зарурий ишлар амалга оширилди. Натижада ўша йилнинг охирига келиб сўм пластик карточкалари эмиссия режаси 46056 тага етказилди, белгиланган режа 114 фоиз бажарилди. Савдо-сервис шохобчаларида ўрнатилган терминаллар орқали 500 миллион сўмлик ўрнига 529,3 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

Айни чоғда банк томонидан 45 миллион сўм миқдорида овердрафтли кредит берилди.

**2007 йил 1 январидан бугунги кунгача эса, 1612 дона пластик карточка чиқарилиб, уларнинг жами сони 47215 тага етказилди, терминаллар сони 53 тани ташкил этди.**

Жорий йилнинг биринчи чорагида ана шу терминаллар орқали 844,8 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Жумладан, савдо-сервис шохобчаларидаги терминаллар ёрдамида 405,2 миллион сўмлик муомала қилинди.

— Савдо дўконимиз ҳамиша харидорлар билан гавжум, — дейди Самарқанд шаҳридаги «Аҳроров О.» хусусий корхонаси раҳбари Олимжон Аҳроров. — Сабаби, бу ерда харидоргир маҳсулотлар сероб. Кейинги йилларда сўм пластик карточкалари орқали савдо-сотиқ амалга оширилишини эшитиб, Миллий банкнинг вилоят бўлимига мурожаат этдим. Мана, бугун нақд пулсиз муомалани ҳам амалга ошираяпмиз. Бундай усулда ишлашнинг афзаллик томонлари жуда кўп экан. Буни мен харидорларнинг кун сайин кўпайишидан ҳам англаяпман.

Бугун вилоятнинг турли ҳудудларидаги 53 та савдо-сервис шохобчасида терминаллар ишлаб турибди. Сўм пластик карточкасига эга бўлган ҳар бир фуқаро улар хизматидан фойдаланмоқда.

Банк ходимларининг фикрича, терминал ўрнатилган ана шу шохобчалар сони кун сайин ошиб бораверади. Негаки, сўм пластик карточкасига эга бўлишни хоҳловчилар шунга эҳтиёж сезмоқдалар. Қолаверса, бу фақатгина самарқандликлар учунгина эмас, балки шаҳар ва вилоят қишлоқлари меҳмонларига ҳам катта қулайлик туғдиради.

— Мен учун нақд пулдан кўра сўм пластик карточкаси маъқулроқ, — дейди самарқандлик Муҳиба Шукурова. — Чунки, шаҳарга чиққанимда, даста-даста пул кўтариб юрмайман.

Айниқса, узоқ сафарга отланганда, у мен учун беминнат дастёр. Тўғри-да, пулинг ўғирланишидан, эскиришидан, чўнтагингга ортиқча юк бўлишидан қўрқмасанг, маблағинг карточкангда кўпроқ сақланиб қолса, унга қўшиладиган фоизлар кўпайса, яна нима керак? Мен бошқаларни ҳам сўм пластик карточкаси билан муомала қилишга чорлардим.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки сизга таклиф этаётган пластик карточкалари — бу:

— мижознинг хоҳишига қараб, йилига 16 фоиз даромад беради;

— нақд пулларнинг хавфсизлиги ва сақланишини кафолатлайди;

— юқори фоиз ставкалари пул маблағларини жамғаришда манфаат келтиради;

— пластик карточкалар ёрдамида барча филиалларда коммунал ва бошқа турдаги тўловларни амалга ошириш имкониятини яратади;

— пластик карточка ҳисоб рақамига ўрнатилган тартибда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳам ўтказиш мумкин;

— пластик карточка эгаларида ўз ҳисоб рақамидаги маблағларни назорат қилиб туриш имконияти мавжуд;

— банк томонидан мижознинг карточкадаги маблағлари ва уларга ҳисобланган фоизлар тўғрисидаги маълумотлар сир сақланиши кафолатланади.

Сиз ҳам тўловнинг ана шу қулай усулидан фойдаланинг!

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Терминаллар ўрнатилган дўкон, фирма ва корхоналар ҳамда улар жойлашган манзиллар ҳақида маълумот:

| Терминаллар номланиши | Терминаллар жойлашган манзил |
|---|---|
| Самарқанд бўлими 1-касса терминали | Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 7-уй. |
| Самарқанд бўлими 2-касса терминали | Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 7-уй. |
| Каттақўрғон филиали касса терминали | Каттақўрғон шаҳри, «Қорадарё» кўчаси, 1-уй. |
| Ургут филиали касса терминали | Ургут шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 176-уй. |
| Булунғур филиали касса терминали | Булунғур шаҳри, «Булунғур» кўчаси, 25-уй. |
| Жомбой филиали касса терминали | Жомбой шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 25-уй. |
| Пастдарғом филиали касса терминали | Жума шаҳри, «Самарқанд» кўчаси, 87-уй. |
| Нуробод филиали касса терминали | Нуробод шаҳри, «Мустақиллик» кўчаси, 27-уй. |
| «Pasa Star» хусусий корхонаси | Самарқанд шаҳри, «Сартепа» массиви, 134-«Г» уй. |
| «Улуғбек» чакана савдо корхонаси | Жомбой шаҳри, А.Темур кўчаси. |
| «Шукуров Ш.» хусусий корхонаси | Каттақўрғон шаҳри, Навоий кўчаси, 48-уй. |
| «Шамс-плюс» масъулияти чекланган жамияти | Самарқанд шаҳри, «Сартепа» массиви, 134-уй. |
| «Жума» супермаркети | Жума шаҳри, «Самарқанд» кўчаси, 87-уй. |
| «Музроб» хусусий дўкони | Нуробод тумани, Жом қишлоғи. |
| «Аҳроров О.» хусусий корхонаси | Самарқанд шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 120-уй. |
| «Ишонқулов С.» хусусий корхонаси | Жомбой шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 26-уй. |
| «Инатов Б.» хусусий корхонаси | Каттақўрғон шаҳри. |
| «Қурбон ота» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси | Нуробод шаҳри, «Мустақиллик» кўчаси. |
| «Биллион» хусусий фирмаси | Булунғур тумани, А.Темур кўчаси. |
| «Очилов Ж.И.» хусусий корхонаси | Ургут шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 184-уй. |
| «Produkt Tabak S» масъулияти чекланган жамияти | Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси. |
| «Жума» савдо корхонаси | Жума шаҳри, «Самарқанд» кўчаси, 12-уй. |
| «Маданият маскани» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси | Нуробод шаҳри, «Мустақиллик» кўчаси, 128-уй. |
| «Набиева Олима» хусусий фирмаси | Каттақўрғон шаҳри, «Мустақиллик» кўчаси, 36-уй. |
| «Ҳилола» хусусий дўкони | Нуробод тумани, Нурбулоқ қўрғони. |
| «Ўртабуз тонги» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси | Нуробод шаҳри, С.Хушназаров кўчаси, 12-уй. |
| «Шодлик» савдо дўкони | Булунғур тумани, А.Темур кўчаси. |
| «Самарқанд» гастрономи | Жомбой шаҳри, Раҳимов кўчаси, 16-уй. |
| Пастдарғом «Матлуботсавдо» | Жума шаҳри, Нодирабегим кўчаси, 65-уй. |
| «SNA Mobile» хусусий фирмаси | Жомбой шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 5-«А» уй. |
| «Наврўз» савдо корхонаси 70-дўкони | Пастдарғом тумани, Равот қишлоғи. |
| «Ғусс» чакана савдо корхонаси | Ургут тумани, Ғусс қишлоғи. |
| «Сайқал тайёрлов» масъулияти чекланган жамияти | Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 147-уй. |
| «Нуробод матлубот» масъулияти чекланган жамияти | Нуробод тумани, Жом қишлоғи. |
| «Ниёзов А.» хусусий корхонаси | Ургут шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 176-уй. |
| «Қурбонов А.А.» хусусий корхонаси | Каттақўрғон шаҳри, Навоий кўчаси, 49-уй. |
| «Наврўз» чакана савдо корхонаси | Пастдарғом тумани, Равот қишлоғи. |
| «Гулбаҳор» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси | Жума шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси. |
| «Бухоро ипак гилами» қўшма корхонаси | Самарқанд шаҳри, «Ҳужум» кўчаси. |
| «Ўзтемирйўлйўловчи» акциядорлик жамияти | Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 25-уй. |
| «Афросиёб» меҳмонхона мажмуаси | Самарқанд шаҳри, «Регистон» кўчаси, 2-уй. |
| «Гранд Самарқанд» меҳмонхонаси | Самарқанд шаҳри, Б.Ялангтўш кўчаси, 38-уй. |
| «ЎзОлмон Хотилз» қўшма корхонаси | Самарқанд шаҳри, «Шоҳруҳ» кўчаси, 53-уй. |
| «Ургутгаз» корхонаси | Ургут тумани, Почвон қишлоғи. |
| «Cam Plaza» меҳмонхонаси | Самарқанд шаҳри, «Даҳбед» кўчаси, 24-уй. |
| «Янги Шарқ» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси | Самарқанд шаҳри, Бобур кўчаси, 27-уй. |
| «Биофарм» қўшма корхонаси | Нуробод шаҳри, «Мустақиллик» кўчаси, 18/3. |
| «Озода» хусусий фирмаси | Жума шаҳри, А.Қаҳҳор кўчаси, 12-уй. |
| «Суюнов» Ж.» фермер хўжалиги | Иштихон тумани, Чайжовул қишлоғи. |
| «Нуробод пирамидалари» хусусий фирмаси | Нуробод тумани, Нурбулоқ қишлоғи. |
| «Уздунробита» қўшма корхонаси | Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 41-уй. |
| «Коском» қўшма корхонаси | Самарқанд шаҳри, А.Икромов кўчаси, 188-уй. |
| «Азизов Ш.» хусусий корхонаси | Ургут шаҳри, «Чинор» кўчаси, 81-уй. |






ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

ПРОФЕССИОНАЛ ВИДЕОМОНТАЖ УСКУНАСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов ўтказиш тартиби ҳақидаги маълумот ва танлов ҳужжатлари тўпламини қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-«А» уй. Телефонлар: 144-97-14, 144-97-66, 144-98-27. Факс: 144-22-96. Ички телефонлар: 714, 766, 827.

Танлов таклифлари эълон чоп этилгандан бошлаб ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача 10 иш куни давомида қабул қилинади.



MANAGEMENT CONSULTING

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22 000), ISO/IEC 27001, AS 9100 халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.

Компания мижозлари:

- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» ҚК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» ҚК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 154-66-98.
Факс: (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

Хизматлар лицензияланган



«SITWET INVEST» ҚК

Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида дилерликка мойил бўлганларни ишга таклиф этади.

Дилернинг асосий вазифаси қўшма корхонада ишлаб чиқарилган ва омборда мавжуд бўлган қуйидаги маҳсулотларни сотишдир:

- *фермер ва деҳқонлар ишлатадиган 80 см. лик пиёз, карам ва бошқаларни солиш учун тўр қоплар;*
- *фермер ва деҳқонлар учун, хўжаликлар ҳамда қурилишларда ишлатиладиган ингичка лента-арқон (лента-шпагат);*
- *сомон боғлаш учун деҳқонларга ингичка арқон (шпагат);*
- *юк автомобиллари учун автошиналар (240-508R, 260-508R, 280-508R).*

*Маҳсулотлар сертификатланган.*
*Меҳнат ҳақи — келишилган ҳолда.*

Телефонлар: 135-09-28, 142-50-34.
Манзил: Тошкент шаҳри, Лабзак даҳаси, Хуршид кўчаси, 1-«Б» уй.



«ҲИМОЯ» ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

«ҲИМОЯ» ҲАКАМЛИК ХЎЖАЛИК СУДИ

ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ

HIMOYA

- НИЗО ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАКАМНИ САЙЛАШ
- НИЗОЛАРНИ ҚИСҚА МУДДАТ ИЧИДА КЎРИБ ЧИҚИШ
- КАМАЙТИРИЛГАН СУД ХАРАЖАТЛАРИ

Хизматлар лицензияланган

ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА

ТОШКЕНТ: (371) 133-11-13, 137-13-43, 175-83-72
БУХОРО: (365) 223-88-85, (365) 223-83-72.
САМАРҚАНД: (3662) 33-30-99.
НАВОИЙ: (590) 730-99-80, (436) 227-83-44.

WWW.HIMOYA.UZ WWW.HIMOYA-SUD.UZ E-mail: HIMOYA@LIST.RU



ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

Ўзбекистон банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фарғона вилояти филиали

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2007 йил 1 июнь соат 15.00 да

«Универсал биржа маркази» биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулк қўйилмоқда:

Суд ижрочилари томонидан Фарғона туманлараро судининг 2007 йил 28 мартдаги ажримига асосан тақдим этилган Фарғона шаҳри, «Қашқар» кўчаси, 1-уйда жойлашган, Мурашко Марина Фаридовнага тегишли «Ёшлар» қаҳвахонасининг ½ қисми.

***Бошланғич баҳоси — 29 231 000 сўм.***

*Мулк 2007 йил 1 июндаги савдода сотилмай қолса, савдолар 2007 йил 22, 26, 29 июнь кунлари давом этади.*

*Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамларига тўлашлари шарт:*

- жисмоний шахслар учун: транзит ҳ/р 29804000900000493415 Ўзбекистон Республикаси ТИФ МБ Фарғона филиали, МФО 00493, ИНН 204325773;
- юридик шахслар учун: ҳ/р 22622000904234776001 Ўзбекистон Республикаси ТИФ МБ Фарғона филиали, МФО 00493, ИНН 204325773.

*Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади.*

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан, шунингдек, савдога қўйилган мулк билан танишиш истагида бўлганлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Ўзбекистон банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фарғона филиали, Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 47-«А» уй, 2-хона. Телефонлар: 226-45-48, 226-95-98.**

UZINFOINVEST

## «ЎЗИНФОИНВЕСТ» — ЎЗБЕКИСТОНДА БИЗНЕС ҚИЛИШ УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ

Ўзбекистоннинг иқтисодий харитасида янги таркибий бўлинма — «Ўзинфоинвест» хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги ташкил топди.Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан ташкил этилган Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги агентлик Ўзбекистонда бизнес қилиш истагида бўлганлар, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш имкониятлари ва инвесторларга кўрсатиладиган имтиёз ва кафолатлардан хабардор бўлмаганлар учун ҳам ишончли ҳамкор ва ёрдамчи бўлиб қолади.

**«Ўзинфоинвест» бу:**

- хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун республикада яратилган қулай шароитлар, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва ресурс имкониятларини хорижий ишбилармонлар доираси ва оммавий ахборот воситаларида намойиш этиш ва кенг ёритиш;

- инвесторларни ахборот-таҳлилий қувватлови, уларга инвестиция фаолиятининг истиқболли лойиҳалари, меъёрий-ҳуқуқий асослари ҳақида ахборот бериш;

- истиқболли инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестор ва мамлакатимиз тадбиркорлари билан учрашувлар ва музокаралар ташкил этиш;

- мамлакатимизда ва хорижда реклама акциялари, мавзули кўргазмалар, анжуманлар, тақдимотлар, конференция ва семинарлар ўтказиш, Ўзбекистон минтақалари ва иқтисодий соҳаларининг инвестиция имкониятлари ҳақида махсус адабиётлар, бизнес-гайдлар, проспектлар ва буклетлар нашр қилиш.

***«ЎЗИНФОИНВЕСТ» — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНВЕСТИЦИОН ТАШРИФ ҚОҒОЗИ.***

Вэб сайт: www.uzinfoinvest.uz, www.investuzbekistan.org
Телефон: 99871-138-91-00.
Факс: 99871-138-92-00.
E-mail: info@uzinfoinvest.uz
Манзил: 100029, Тошкент ш., Т.Шевченко кўчаси, 1-уй.

WWW.UZINFOINVEST.UZ











*Дунё тажрибасидан маълумки, шаҳарларда рисоладагидек яшаш учун аҳоли жон бошига ўртача 16 квадрат метр яшил майдон керак. Бу масалада пойтахтимиз Тошкент бошқа шаҳарларимизга намуна бўла олади.*

*Тошкент йил сайин эмас, ой сайин, кун сайин ўзгариб, кўркамлашиб, гўзаллашиб бормоқда. Кўплаб кўркам бинолар, саноат корхоналари, мактаблар, театрлар ва бошқа иншоотлар қад ростлади. Лекин биноларни қуриб қўйиш билан иш битмайди. Аввало, унинг атрофини кўкаламзорлаштириш лозим. Агар йўллар шаҳарнинг қон томири бўлса, унинг четидаги дарахтлар, гулзорлар унинг ўпкаси ҳисобланади.*

*Сўнгги йилларда Тошкентнинг марказий қисмини кўкаламзорлаштириш борасида амалга оширилган ишларга тўхтайдиган бўлсак, биринчи навбатда, Алишер Навоий номидаги Миллий боғдаги бунёдкорликни эслаш жоиз. Бир пайтлар эски иморатлар жой олган макон бугун мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси фахрлана оладиган ҳақиқий сўлим боғга айланди. Унинг ҳудуди 16 гектарга кенгайди. Кўлнинг атрофи чиройли, ялтироқ тошлар билан ўралди. Бу эса, боғнинг янада кўркам бўлишини таъминлади.*

# ГЎЗАЛЛИКДА ТЕНГИ ЙЎҚ ПОЙТАХТ

Яқинда бирга ўқиган курсдошлар учрашдик. Эрталаб белгиланган жойда йиғилганимиздан сўнг Мустақиллик майдонига йўл олдик. Мустақиллик ва эзгулик монументини, Мотамсаро она ҳайкалини зиёрат қилдик. Қўшни давлатлардан келган курсдошларимиз ҳайрон бўлиб бизга қарашди.

— Шу ўзимиз ўқиб юрган пайтдаги майдонми? — дейди туркистонлик курсдошимиз Соҳиба Музаффарова. — Бир вақтлар Тошкентнинг бош майдони иттифоқдаги энг катта майдон деб мақтаниб юрардик. Лекин ўша пайтларда майдон одамлар дам оладиган, хордиқ чиқарадиган жой бўлиши кераклигини, бу ерларга дарахт экиб, обод қилиш лозимлигини ҳеч ким ўйламас экан-да.

Хўжандлик Ҳуснинисо Аҳмедова ҳам ҳайратини яшира олмади:

— Фавворspringларнинг зўрлигини қаранг. Сенатнинг биносини ҳам роса боплашибди-да. Телевизорда кўрувдиму, лекин бинонинг улуғворлиги олдида бошқача кўринар экан. Тўғриси, Тошкентни умуман таниёлмадим.

— Сиз-ку 25 йил Тошкентда бўлмагансиз, — деди унга жавобан «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедов. — Шаҳарда яшаб баъзан биз ҳам адашиб қоламиз. Бугун кўрган кўчадан бир ойдан кейин ўтсангиз, албатта, бирор ўзгариш бўлган, нимадир қурилган бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, меҳмонларнинг ҳайратланганича бор. Мустақиллик майдони бундан ўн-ўн беш йил олдин қандай кўринишда бўлганини бир эслаб кўринг. Асфальт ва бетон ётқизилган катта майдон ёзда чидаб бўлмас даражада исиб кетарди. Дам олиш, хордиқ чиқариш учун келганлар жазирамада чарчаб, уйига қайтарди. Майдоннинг ҳозирги жамолини кўрган одам эса, ҳаяжонини яшира олмаслиги аниқ. Чунки бугун ўша асфальт ва бетонлар ўрнини ям-яшил майсазор, арчалар эгаллаган. Замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари уйғунлаштирилиб барпо этилган Олий Мажлис Сенати биноси олдидаги фавворалар узукка қўйилган гавҳар кўздек, майдонга жуда-жуда ярашиб турибди.

## Ифтихор

Президентимиз ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари туфайли шаҳар ўртасида қолиб кетган «Технолог» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқа жойга кўчирилиб, ўрнида боғ барпо этилди. Шунингдек, «Туркистон» саройи ёнида ҳам 1,3 гектарлик яшил ҳудуд бунёд қилинди. Бундан ташқари, «Тошкент» универсал магазини ёнидан ўтадиган йўл беркитилиб, бу жойлар ҳам салкам бир гектарлик хиёбонга айлантирилди. Эсингизда бўлса, Юртбошимиз ўша ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш жараёнида, ҳар бир янги иншоотга пойдевор қўйишдан олдин, унинг атрофини кўкаламзорлаштириш, гулзорларга айлантириш ҳақида ўйлаш лозимлигини таъкидлаган эди. Шу билан бирга, «Тошкент» универмаги атрофида яшовчи аҳолининг саломатлигини, дам олиши ҳақида қайғуриб, бу ишлар амалга оширилаётганини қайд этганди, мамлакатимиз раҳбари.

Мақолани ёзиш жараёнида мутахассислар бизга яна бир ибратли гапни айтиб беришди. Эски шаҳардаги бир иншоотни барпо этиш чоғида лойиҳа бўйича қурилиш жараёнида бир кекса қайрағочни кесиш лозим бўлган экан. Бундан хабардор бўлган мамлакатимиз раҳбари, дарахтни кесиш ўрнига лойиҳани ўзгартиришни маслаҳат берибдилар. Шундай қилиб, кўм-кўк бўлиб ўсиб, одамларга соя бериб турган дарахт сақлаб қолинибди. Бундай қарасангиз, бу бир оддий гапга ўхшайди, лекин унинг замирида она-табиатга, юртга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат мужассам.

Ҳозир пойтахтимизнинг умумий майдони 334,8 квадрат километрни ташкил этади. Унинг ярмидан сал озроғи яшил майдонга айлантирилган. Бугунги кунда ҳар бир одамга ўртача 42 квадрат метр яшил ҳудуд тўғри келади. Истиқлолга эришгунимизга қадар бу кўрсаткич унинг ярмини ташкил этарди, холос.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, пойтахтимизда ҳар йили 100 минг туп кўчат, 2,5 миллион туп бута ўтқазилади. Ҳозир шаҳардаги дарахтлар сони беш миллион тупдан кўпроқни ташкил этади.

Яқинда Тошкентга келган хорижлик бир меҳмон шаҳар кўчалари бўйлаб кезар экан, атрофдаги ям-яшил дарахтлар ва майсаларни кўриб, «Бу шаҳарми ёки улкан паркми?» дея ҳайратдан ёқа ушлабди. Сайёҳнинг бундай ҳолга тушиши табиий. Чунки нафақат Тошкент, балки бутун мамлакатимиз истиқлол йилларида ҳақиқий яшил ўлкага айланди.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ.**

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

***Макао давлати жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган 2-Осиё ўйинларига мезбонлик қилади.***



## КУРАШ ДУНЁ КЕЗАДИ

Ушбу нуфузли ўйинлар дастуридан ўзбек миллий спорти — курашнинг жой олиши қитъа спорти ҳаётида катта воқеа бўлди. Бугун Осиёдаги айрим спорт нашрлари, интернет сайтларида ушбу муҳим янгилик ҳамда курашнинг ривожи тўғрисида турли чиқишлар қилиниб, фикрлар билдирилмоқда.

Куни кеча Макаодан Тошкентга яна бир хушхабар келди. Унда айтилишича, 2-Осиё ўйинлари доирасида ўтадиган кураш мусобақаларининг муддати ва жойи ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган. Миллий спортимиз — кураш бўйича тайёрланган махсус буклет Осиё давлатларининг Миллий Олимпия қўмиталарига тарқатилган.

## БОШ СОВРИН ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТЕННИСЧИДА



Андижонда теннис бўйича анъанавий "Фьючерс" халқаро турнири якунланди.

Ўндан ортиқ мамлакат теннисчилари иштирок этган мазкур турнирда ҳамюртимиз Денис Истомин бош совринни қўлга киритди. У финалда яна бир вакилимиз Сарвар Икромовни мағлубиятга учратди.

## Футзалчиларимиз чорак финалда!

Японияда футзал бўйича навбатдаги Осиё чемпионати давом этмоқда.

"В" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон терма жамоаси биринчи учрашувда Ироқ футзалчиларига кутилмаганда (1:3) имкониятни бой бериб қўйганди. Ҳамюртларимиз иккинчи ва учинчи тур учрашувларини муваффақиятли ўтказишди. Дастлаб Кувайт терма жамоаси 4:0, сўнгра Таиланд футзалчилари 3:2 ҳисобида мағлуб этилди.



Бу ғалабалар юртдошларимиз учун чорак финалга чиқиш имкониятини яратди.

## Ғолиблар Болгарияга боради




***Пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуасида каратэ бўйича Марказий Осиё чемпионати бўлиб ўтди.***

Унда мамлакатимиз каратэчиларидан ташқари, қўшни Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган жами 1000 нафарга яқин спортчи ғолиблик учун баҳс юритди. Уч кун давом этган мусобақалар якунига кўра, умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

Марказий Осиё чемпионатида ғолиб чиққан ҳамюртларимиз жорий йил Болгарияда ўтказиладиган жаҳон кубогида ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

***Футбол бўйича Осиё кубоги баҳслари бошланишига ҳам оз фурсат қолди.***



«Осиё кубоги–2007»:

## «NIKE» тўплари танланди

Турнирга Осиёнинг жануби-шарқий қисмида жойлашган Индонезия, Малайзия, Таиланд ва Вьетнам давлатлари мезбонлик қилади. Айни кунларда мусобақага тайёргарлик қизғин паллага кирган.

Кеча Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) "Осиё кубоги — 2007"да ўйналадиган тўпни расман эълон қилди. uff.uz сайтидан олинган маълумотда кўрсатилишича, қитъа чемпионатида дунёга машҳур "Nike" спорт фирмасида ишлаб чиқарилган тўплардан фойдаланилади. Бу тўп "Nike Mercurial Veloci AC" (тезлик билан учувчи) номини олди. Унда мезбонларини ифода этадиган тўрт хил рангли чизиқ акс эттирилган. Мазкур тўп қўлда тайёрланган бўлиб, зарба пайтида яхши тезликка эга.

— Осиё футболи тарихида ҳали турнирлар учун алоҳида тўп ишлаб чиқарилмаган эди, — дейди ОФКнинг алоқа ва маркетинг бўйича директори Клер Кеннон Типтон. — Албатта, махсус тайёрланган тўп футболчиларга қулайлик туғдириши билан бирга, турнир нуфузини оширишга ҳам хизмат қилади.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

*Мухтарам хонимлар ва жаноблар!*

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТАБАНК»нинг акцияларини харид қилиб мулкдорга айланинг ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлинг!**

***Эслатиб ўтамиз!***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, тижорат банклари акциялари бўйича жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари **2010 йилнинг 1 январига қадар солиққа тортишдан озод қилинган**.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги «Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:

- ***юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади;***
- ***фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.***

Шошилинг, ушбу имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январдан бошлаб сотиб олинган акцияларига, шунингдек, 2009 йилнинг 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидендларга нисбатан қўлланилади.

**«Пахтабанк» акциялари «Тошкент» Республика фонд биржасининг «А» тоифасидаги расмий листингида бўлиб, энг ишончли акциялар эканлигидан далолат беради.**

*Имкониятларни қўлдан бой берманг! Даромадингизни янада кўпайтиринг.*

**Тўлиқ маълумот олиш учун қуйидаги телефон орқали мурожаат этиш мумкин: (8371) 173-25-51.**

**Пахта банк — фаровонлигингиз калитидир!**

7048/67

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдоси эълон қилади:**

***Кармана тумани, Ф.Мардонов кўчаси, 2-уйда жойлашган «Озодбек» фермер хўжалигига қарашли бино ва иншоотларни 60 ўринли вилоят онкология шифохонаси ҳамда кунига 50 киши қабул қиладиган поликлиника сифатида қайта қуриш.***

**Қурилиш муддати — 5 ой.**

**Буюртмачи** — Навоий вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси.

Қурилиш ишларини молиялаштириш вилоят маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

636R/761

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси бош директор ўринбосари Жаҳонгир Қосимовга падари бузруквори

**МИРСОБИТ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА жамоаси агентликнинг собиқ ходими, меҳнат фахрийси

**Дилафруз АРСЛАНОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Ғафуржон Муҳамедовга падари бузруквори

**ИСРОИЛ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ELXOLDING» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси раҳбарияти Т.Н.Қори Ниёзий номли Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти директори, профессор Рисбой Жўраевга синглиси

**Гулқиз ЖЎРАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Молия институти ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси ректорнинг ўқув ишлари бўйича муовини Шоқобил Шоякубовга падари бузруквори

**КАРИМ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 33493 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.15 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5